

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВ ШУҲРАТЖОН АБДУСАМИНОВИЧ

**АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Исмоилов Шухратжон Абдусаминович

Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари.....3

Исмоилов Шухратжон Абдусаминович

Особенности правового регулирования труда отдельных категорий работников.....27

Ismoilov Shukhratjon Abdusaminovich

Peculiarities of Legal Regulation of Labour of Individual Categories of Workers.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВ ШУҲРАТЖОН АБДУСАМИНОВИЧ

**АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3DSc/Үб68 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Усманова Муборак Акмалджановна
юридик фанлар доктори, профессор

Камалов Ойбек Ахматович
юридик фанлар доктори, профессор

Аминжонова Матлуба Ахмедовна
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үб.22.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил 31 январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (891-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 13. Тел.: (998971) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 18 январь куни тарқатилди.

(2020 йил 18 январьдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Д.С.Атажанова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Н.Эсанова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда барқарор ривожланишга эришиш учун муносиб меҳнат ва тенгликни таъминлаш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, «2018 йилда дунё меҳнат ресурсларини ташкил қилувчи 3,3 млрд. кишининг кўпчилиги учун иқтисодий хавфсизлик, моддий фаровонлик, имкониятлардаги тенглик таъминланмаган. Норасмий меҳнат муносабатларининг юқори даражаси сақланиб, ушбу кўрсаткич жами меҳнат ресурсларининг 61 фоизини ташкил қилмоқда. Гендер тенгликсизни бартараф қилиш бўйича ижобий ҳолат кузатилмаган. Меҳнат фаолиятида эркактларнинг бандлиги 75 фоизни, аёлларники 48 фоизни ташкил қилмоқда. Ишга эга бўлган етти юз миллион киши оғир меҳнат ва яшаш шароитларида қолмоқда. Янги технологияларга асосланган айрим замонавий бизнес моделлар эса меҳнат соҳасида мавжуд бўлиб турган ютуқларни хавф остига кўймоқда»¹.

Жаҳонда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, уни дифференциациялаштиришга қаратилган илмий тадқиқот йўналишларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, гендер тенгликни таъминлаш, меҳнатда дискриминациянинг олдини олиш, болалар меҳнатидан фойдаланишни тақиқлаш, хусусий секторда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, кичик бизнесни ёлланма меҳнатдан фойдаланиш хусусиятларини белгилаш, нодавлат ташкилотлар ходимлари ва давлат хизматчиларининг меҳнатини ҳуқуқий тартиб солиш хусусиятларини аниқлаш, асоссиз равишда имтиёз ва кафолатлар ёки чекловларни қўллашни бартараф қилиш бўйича илмий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда меҳнат муносабатларининг анъанавий иштирокчилари бўлган ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларида мувозанатни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Миллий меҳнат қонунчилигини модернизациялаш ва либераллаштириш орқали унинг бозор иқтисодиётига мослашувчанлигини оширишга қаратилган ислохотлар ўтказилмоқда. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, «давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ижтимоий соҳани ривожлантириш белгилаб олинган»². Шу боис, меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда меҳнат шартларининг бирлиги ва дифференциацияланганлигини илмий тадқиқ қилиш объектив зарурат сифатида намоён бўлмоқда.

¹ https://www.ilo.org/global/research/global-reports/weso/2019/WCMS_670542/lang--en/index.htm

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (янги таҳрири) (1998), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) (2016), «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги (2019), «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) Фармони ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналиши»га мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари бўйича илмий тадқиқотлар етакчи хорижий илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, БМТ, ХМТ, ЕХХТ, МДХ, ШХТ доирасида аёллар, оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар, болалар, ногиронлар, касаначилар, мавсумий ходимлар, мигрантлар, уй хизматчилари меҳнати энг фаол тадқиқ этиладиган мавзулар ҳисобланади. Чунончи, ХМТнинг илмий-тадқиқотлар бўлими (the Research Department) томонидан Меҳнат бозори тенденциялари ва истиқболлари (Labour market trends and outlook), Меҳнат, даромад ва капитал (Work, Incomes and Equity), Меҳнат дунёсини ўзгартириш (Changing World of Work), Макроиқтисодий сиёсат ва иш жойлари (Macroeconomic Policies and jobs), Глобаллаштириш ва меҳнат бозори (Globalization and labour market), Сиёсатни баҳолаш (Policy evaluation) йўналишлари илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, ёшлар ва гендер масалалари (Special issues of youth and gender) меҳнат бозори тенденциялари ва истиқболлари йўналишидаги асосий тадқиқ этиладиган мавзулардан ҳисобланади.

Хориж мамлакатларида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш борасида олиб борилган илмий изланишларда қуйидаги натижалар олинган: меҳнат муносабатларида гендер тенгликни таъминлаш (University of Stirling, Scotland), дифференциация нормаларини жорий этиш орқали дискриминацияни бартараф этиш (Rand Afrikaans University, South Africa), аёллар ва оилавий мажбуриятга эга бўлган ходимларга меҳнат соҳасида қўшимча имкониятни тақдим этиш (University of Essex, UK), уй хизматчилари меҳнатини тартибга солишда шартномавийликнинг ролини ошириш (Middlesex University, UK),

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.ilo.org, www.stir.ac.uk, www.uj.ac.za, www.essex.ac.uk, www.mdx.ac.uk, www.ox.ac.uk ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

мигрантлар меҳнатидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларни тақдим этиш бўйича (University of Oxford, UK) тақлифлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси махсус ўрганиш предмети бўлмаган, бироқ айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан мазкур мавзу билан боғлиқ у ёки бу жиҳатлар ҳозирда тадқиқ этиб келинмоқда. Ҳуқуқшунослар С.А.Ишанходжаев (Миграция соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари), А.М.Максудов (Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш), Н.М.Тешаев (Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тамойиллари), М.М.Махаматов (Ўзбекистон Республикасининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий асослари), Х.М.Қиличев (Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш), Ж.А.Расулов (Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро-ҳуқуқий стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари), Н.Н.Асқаров (Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш), Б.Т.Мусаев (Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш), Ф.У.Хамдамова (Аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий ҳамкорлиги), Д.С.Атажановалар (Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари) томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишларида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилган. Сўнгги йилларда бевосита айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари билан боғлиқ тадқиқотлар Б.Т.Мусаев, Д.С.Атажановалар томонидан амалга оширилган. Хусусан, Б.Т.Мусаев меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш масаласини ўрганган ҳолда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, дипломатик корпус вакилларининг, Д.С.Атажанова эса аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини тадқиқ этган.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар А.А.Иноятов, М.А.Усманова, М.Ю.Гасанов, Й.Турсунов, Г.Д.Саттарова, Ж.Т.Холмўминов, Х.В.Бурханходжаева, М.Раҳимов, Б.Раҳимберганова, М.Ибрагимовалар томонидан чоп этилган ўқув адабиётлари ва илмий мақолаларда тадқиқот мавзуси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Шу ўринда тадқиқот мавзуси билан боғлиқ илмий изланишлар Ҳамдўстлик давлатларида нисбатан чуқурроқ олиб борилганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, Г.С.Скачкова, Ф.Б.Штивельберг, И.Ю.Рогалева, М.И.Ловков, Н.А.Яковенко, В.В.Кузнецова, М.И.Аверьянова, Н.Р.Махмадуллоев, И.А.Корючиналар айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари билан боғлиқ алоҳида жиҳатларни

комплекс тадқиқ этганлар¹.

Юқоридагиларни таҳлил қилиш орқали мамлакатимизда айрим тоифадаги ходимлар меҳнاتини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари мавзуси бўйича комплекс тадқиқот ишлари амалга оширилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида олиб борилган «Меҳнат қонунчилигини ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва меҳнат бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш» (2017–2021), «Ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти ва халқаро меҳнат ҳуқуқи ютуқларини назарий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини тадқиқ этиш» (2017–2021) илмий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини махсус ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меҳнат ҳуқуқида дифференциациянинг вужудга келиши ва унинг объектив зарурат эканини белгилаб берувчи омилларни кўрсатиб бериш;

дифференциация ва меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари тушунчаларини таърифлаш ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш;

дифференциация бўйича хорижий давлатларда амал қилувчи турли концепциялар, доктриналар ва илғор ғояларни илмий тадқиқ этиш;

махсус ҳуқуқий тартибга солиш ва махсус нормаларнинг умумий ҳуқуқий тартибга солиш ва умумий нормалар билан ўзаро нисбатини таҳлил қилиш;

меҳнатни ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини белгилаш асослари ва тартибини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

айрим тоифадаги ходимларга берилган имтиёз ва кафолатлар, ўрнатилган тақиқ ва чекловларнинг асослилигини таҳлил қилиш;

айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари билан боғлиқ халқаро стандартларни таҳлил қилиш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти айрим тоифадаги ходимлар меҳнатидан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларини белгиловчи ҳуқуқий муносабатларни

¹ Ушбу олимлар асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

айрим тоифадаги ходимлар (вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган хорижий мигрантлар) учун меҳнат қонунчилигида белгиланган кафолатларга риоя қилмаслик маъмурий жавобгарлик келтириб чиқариши зарурлиги асослаб берилган;

хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда соғлиғини сақлашни таъминлайдиган, шу жумладан репродуктив функцияларни сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш иш берувчининг меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни рўёбга чиқаришдаги мажбурияти эканлиги асослаб берилган;

айрим тоифадаги ходимларга нисбатан чекловчи ҳуқуқларни (оғир ва зарарли ишларга, тунги ишларга жалб қилиш, хизмат сафарларига юборишнинг тақиқланиши) мустаҳкамловчи нормаларнинг белгиланиши ушбу тоифа ходимларининг меҳнатини тартибга солишнинг алоҳида хусусияти эканлиги асосланган;

уй меҳнати жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ва у аёллар ҳамда эркаклар томонидан тенг даражада амалга оширилиши зарурлиги асослаб берилган;

ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш меҳнат органларининг хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари эканлиги асосланган;

ходимларга тақдим этиладиган кафолатлар даражасини пасайтирадиган, уларнинг ҳуқуқларни чеклайдиган, интизомий ва моддий жавобгарлигини оширадиган меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари фақат қонунлар билан белгиланиши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларининг мазмунини кафолатлар, имтиёзлар, афзалликлар билан бирга тақиқлар, чекловлар ва истиснолар ҳам ташкил қилиши ҳақидаги қоидалар қонун ҳужжатлари билан белгиланиши зарурлиги асосланган;

меҳнат муносабатларини тартибга солишда махсус нормаларнинг умумий нормаларга нисбатида уларнинг устувор даражада қўлланилишига оид қоидалар ишлаб чиқилган;

дифференциациянинг кенгайиши объектив жиҳатдан айрим тоифадаги ходимлар доирасининг кенгайишига олиб келиши муносабати билан ушбу

тоифаларнинг меҳнاتини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини норматив ва локал тусдаги ҳужжатлар орқали белгилаш асоссиз имтиёзлар ёки чекловларнинг олдини олишига хизмат қилиши асосланган;

давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари қонунларда белгиланиши билан бирга, уларнинг меҳнатини тартибга солишга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси татбиқ этилиши ушбу тоифадаги ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотининг илмий натижалари меҳнат ҳуқуқининг дифференциацияси ҳақидаги илмий қарашларни кенгайтиради, дифференциациянинг асослари ва чегаралари, меҳнатни тартибга солишнинг хусусиятлари тушунчаси, махсус ҳуқуқий тартибга солиш каби муҳим назарий масалаларни ҳал қилишда аҳамиятли ҳисобланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ва меҳнат тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш бўйича қоидаларни такомиллаштиришда намоён бўлади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан ўқув мақсадларида, хусусан, махсус курсларни ўқишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот иши мазкур мавзу бўйича келгусида тадқиқотларни олиб бориш учун бошланғич нуқта вазифасини ўташи мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларига оид тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

айрим тоифадаги ходимлар (вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган хорижий мигрантлар) учун меҳнат қонунчилигида белгиланган кафолатларга риоя қилмасликнинг маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49¹, 49³, 49⁴-моддаларига Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–558-сон Қонуни билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий

масалалар кўмитасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 04/3-06-75-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар айрим тоифадаги ходимлар учун белгиланган кафолатлар ва ишга қабул қилишнинг тартибини бузганлик учун иш берувчиларнинг жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилган;

хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда соғлиғини сақлашни таъминлайдиган, шу жумладан репродуктив функцияларни сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш иш берувчининг мажбурияти бўлиши зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–562-сон Қонунининг 21-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 04/3-06-75-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф меҳнат соҳасида хотин-қизларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларга меҳнат шароитларини яратишга хизмат қилган;

айрим тоифадаги ходимларга нисбатан чекловчи ёки кўшимча ҳуқуқларни беришни назарда тутувчи нормаларнинг ўрнатилиши ушбу тоифа ходимларининг меҳнатини тартибга солишнинг алоҳида хусусияти эканлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 421-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норма ижодкорлиги фаолияти тўғрисидаги 2020 йил 3 январдаги 3/2-сон кириш маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари фақат имтиёз ва кафолатлардан эмас, балки тақиқ ва чекловлардан ҳам иборат бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қоидаларни белгилаб берган;

уй меҳнати жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ва у аёллар ҳамда эркаклар томонидан тенг даражада амалга оширилиши зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–562-сон Қонунининг 25-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 04/3-06-75-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф меҳнат соҳасида хотин-қизлар камситилишининг олдини олишга хизмат қилган;

ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш меҳнат органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколати эканлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–561-сон Қонунининг 9-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 04/3-06-75-сон

маълумотномаси). Ушбу таклиф хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш меҳнат органларининг ваколатларидан бири эканлигини белгилаб берган;

ходимларга тақдим этиладиган кафолатлар даражасини пасайтирадиган, уларнинг ҳуқуқларни чеклайдиган, интизомий ва моддий жавобгарлигини оширадиган меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари фақат қонунлар билан белгиланиши лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 425-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норма ижодкорлиги фаолияти тўғрисидаги 2020 йил 3 январдаги 3/2-сон кириш маълумотномаси). Ушбу норманинг қабул қилиниши ходимлар ҳуқуқларини локал ва индивидуал тартибда чекланишининг олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 9 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Меҳнат ҳуқуқида дифференциация ва махсус ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий масалалари»** деб номланган биринчи бобида меҳнат ҳуқуқида дифференциация тушунчаси, унинг зарурати ва аҳамияти, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларининг мазмуни, меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш асослари ва тартиби, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари билан боғлиқ халқаро стандартлар ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий

таҳлили амалга оширилган.

Мазкур бобда меҳнат ҳуқуқида дифференциация ва меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари тушунчалари илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Меҳнат ҳуқуқида ҳам бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги каби ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солишда дифференциация қоидалари қўлланилади. Дифференциация лотинча «differentia» (айирма, фарқ) сўзидан олинган бўлиб, унинг луғавий маъноси «бутун нарсанинг турли хил қисмларга, шаклларга, босқичларга ажралиши, бўлиниши, табақаланиши; бутуннинг қисмларини ўзаро фарқлаш, ажратиш, табақалаш» деган маъноларни билдиради. Таъкидлаш ўринлики, турли ҳуқуқ соҳаларида ушбу тушунчадан фойдаланилишига қарамадан юридик луғатларда унинг таърифи ёки изоҳи мавжуд эмас. Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги «фарқлар» ҳар доим меҳнат ҳуқуқига хос бўлишига қарамадан, «дифференциация» термини қонун чиқарувчи томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида қўлланилмайди. Бироқ дифференциация терминининг меҳнат қонунчилигида қўлланилмаганлиги унинг меҳнат соҳасида мавжуд эмаслигини билдирмайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддаси иккинчи қисмида ифодаланган «меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар» дифференциация сифатида эътироф этилади.

Муаллифнинг қайд этишича, меҳнат ҳуқуқи фанида меҳнат ҳуқуқининг тузилишида дифференциация ходисасининг ўрни ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Айрим олимлар (М.Гасанов, М.Усманова) дифференциацияни меҳнат ҳуқуқи услубининг жиҳатларидан бири сифатида кўрсатади. Шунингдек, дифференциацияни меҳнат ҳуқуқининг принциплари қаторига киритиш ҳақидаги қарашлар (А.А.Иноятов) ҳам мавжуд. Баъзи олимлар (Й.Турсунов) дифференциацияни меҳнат ҳуқуқининг ҳам принципи, ҳам услубига киритади. Муаллиф дифференциацияни меҳнат ҳуқуқининг принципи эканлиги ҳақидаги олимларнинг фикрларига кўшилмайди. Чунки дифференциация ҳар доим ҳам меҳнат ҳуқуқининг вазифаларига мос келмаслиги, аксинча дифференциацияга қарши унификациялашни ўтказиш давлат меҳнат-ҳуқуқий сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланиши ҳам мумкин.

Меҳнат ҳуқуқи фанида меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишдаги дифференциацияга турли таърифлар берилган. Хусусан, меҳнат қонунчилигининг умумий нормаларини айрим тоифадаги ходимларга нисбатан аниқлаштириш мақсадида юридик аҳамиятга эга бўлган омиллар асосида ҳуқуқ нормаларини фарқлашни дифференциация сифатида тушуниш кенг тарқалган. Муаллиф дифференциацияга берилган бу каби таърифларни таҳлил қилиб, меҳнат муносабатларидаги дифференциацияни меҳнатга хос бўлган муайян талаблар ва давлатнинг ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланадиган тоифаларига ғамхўрлиги билан боғлиқ ҳолда ҳамда объектив шартлар асосида вужудга келадиган фарқлар сифатида тушунишни таклиф қилади. Шунингдек, дифференциация ва махсус ҳуқуқий тартибга

солиш бевосита боғлиқлиги таъкидланиб, меҳнат ҳуқуқида дифференциация учун марказлашган тартибда махсус ҳуқуқий нормаларнинг қабул қилиниши эътироф этилади. Дифференциацияга ходимлар учун «тузатиш коэффицентлари»ни ўрнатиш орқали «тенг ҳуқуқ»ни кафолатлаш усули сифатида ҳам қаралади.

Муаллиф томонидан дифференциациянинг дискриминация, унификация, индивидуаллаштириш билан ўзаро алоқадорлиги таҳлил этилади. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда дискриминация тўғрисидаги ишлар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳозирги вақтда нисбатан заиф. Замонавий ҳуқуқда дискриминацияга қарши нормаларни 3 та гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: ҳуқуқдаги тенглик, имкониятдаги тенглик ва натижадаги тенглик. Дастлабки ҳуқуқ нормалари айнан ҳуқуқдаги тенгликни таъминлашга қаратилган. Бироқ XX асрнинг ўрталарига келиб аниқ бўлдики, меҳнат соҳасидаги бундай ҳуқуқий тартибга солиш фуқароларнинг имкониятда тенглигини таъминлаш мақсадига эриша олмайди. Ҳозирги вақтда Ғарбий Европа ва Америка ҳуқуқ доктриналарида меҳнат соҳасида тенгликни таъминлашга нисбатан иккита асосий ёндашувни ажратиб кўрсатиш қабул қилинган: расмий (formal) ёки ҳақиқий (substantive) тенгликка эришиш. Расмий тенглик – анъанавий концепция бўлиб, тенг фуқароларга нисбатан тенг муносабатни назарда тутаяди. Ҳақиқий тенглик эса, турли фуқароларга нисбатан турли муносабатни белгилайди. Расмий тенглик муҳим бир ҳолатни ҳисобга олмайди, яъни турли тоифадаги инсонлар, улар ҳатто бир хил юридик ҳуқуққа эга бўлган тақдирда ҳам турли вазиятлар (жамият ривожининг тарихий хусусиятлари, физиологик фарқлар, оилавий вазифаларнинг мавжудлиги) туфайли аввалдан турли ҳолатда бўлади. Ҳақиқий (реал) тенгликка эришиш принципига асосланиб, иқтисоди ривожланган Ғарб мамлакатларининг дискриминацияга қарши қонунчилиги тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида юқори ижтимоий ҳимояга муҳтож алоҳида ҳуқуқ субъектларига қўшимча ҳуқуқларни тақдим этишга интилиб келмоқда. Бундай турдаги нормаларни инглиз ҳуқуқида позитив (positive) ёки компенсацияловчи ҳаракатлар (affirmative action) деб номлаш қабул қилинган. Миллий ҳуқуқ учун эса, бошқа терминология хос бўлиб, қўшимча ҳуқуқлар меҳнат соҳасида дифференциацияни таъминловчи *имтиёзли нормалар* деб аталади. Дифференциация ҳам дискриминация каби турлича муносабатни назарда тутаяди. Ҳар икки тушунча ўртасидаги фарқ шундан иборатки, дифференциация қонуний фарқларни, дискриминация эса ноқонуний фарқларни тақозо қилади.

Меҳнат ҳуқуқининг дифференциацияси меҳнат ҳуқуқи нормаларини унификациялаш, меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишни индивидуаллаштириш категорияларига яқин туради. Меҳнат ҳуқуқи нормаларини унификациялаш меҳнатни тартибга солишда ўзини оқламаган фарқларни бартараф этишни, айрим тоифадаги ходимларнинг ҳолатини ҳуқуқий кафолатларни камайтирмасдан, анча имтиёзлироқ асосда тенглаштиришни билдиради. Индивидуал ҳуқуқий тартибга солишни дифференциация категорияси билан боғланган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Меҳнат ҳуқуқининг

дифференциацияси қонун чиқарувчининг меҳнат-ҳуқуқий сиёсатини ўзида ифодалайди. Индивидуаллаштириш эса ҳуқуқни қўлловчининг меҳнат-ҳуқуқий сиёсатини меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар даражасида ифодалайди. Шунингдек, дифференциация чегарасиз тарзда бўлмаслиги лозим. Унинг чегаралари объектив асослар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали белгиланиши лозим, бу уни меҳнат шартномаси каби чегарасиз персоналлаштиришдан ажратиб туради.

Ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида умумий ва махсус нормаларнинг ўзаро нисбати, шунингдек махсус ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий масалалари доимо ўрганиб келинган. Таъкидлаш лозимки, дифференциация нормалари доимо махсус нормалар сифатида тушунилади. Жумладан, Б.Я.Розин умумий ва махсус нормаларнинг муносабатини қуйидагича белгилайди: «махсус қонун умумий қонунни бекор қилади». Ҳар бир аниқ ҳолатда биринчи навбатда мазкур муносабатларни тартибга солиш учун махсус қабул қилинган нормалар қўлланилиши лозим. Бироқ махсус нормалар умумий нормаларни бекор қилиши ҳақидаги фикрлар мунозарали ҳисобланади. Муаллифнинг фикрича, махсус нормалар умумий нормаларнинг қўлланишини тақозо этиши ҳам мумкин.

Шунингдек, мазкур бобда меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари тушунчаси миллий қонунчиликда мавжуд эмаслиги бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилади. Шу сабабли айрим хорижий давлатлар меҳнат қонунчилигида (Россия, Молдова, Қирғизистон) меҳнатни тартибга солиш тушунчасига берилган таърифлар ўрганилади ҳамда таҳлил қилинади. Мазкур давлатлар меҳнат қонунчилигида меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари «айни бир масала бўйича умумий қоидаларни қўллашни қисман чекловчи ёки айрим тоифадаги ходимлар учун қўшимча ҳуқуқларни назарда тутувчи нормалар» деб берилган таърифга муаллиф тўлиқ қўшилмайди. Қўшилмасликнинг асосий сабаби ушбу таърифда «меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари – бу нормалар» деган қоидага асосий урғу берилишидир. Тадқиқотчининг фикрича, меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари деганда, айрим тоифадаги ходимлар учун умумий қоидаларни қўллашни қисман чекловчи ёки қўшимча ҳуқуқларни назарда тутувчи нормаларни белгилашни тушуниш керак. Агар ушбу таърифни кенг маънода тушунадиган бўлсак, ходимлар меҳнати шартларидаги фарқларнинг мавжудлиги ва уларнинг белгиланишини меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари сифатида тушуниш мумкин бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасига ушбу таърифни киритиш қўллаб-қувватланади. Шунингдек, махсус ҳуқуқий нормаларни тўлдирувчи нормалар, истисно қилувчи нормалар ва муқобил нормаларга бўлиниши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўрганилиб, дифференциация нормаларини бундай таснифлаш мумкинлиги ҳам қўллаб-қувватланади.

Мазкур бобда меҳнатни тартибга солиш хусусиятларининг мазмуни тадқиқ этилиб, уни «фарқлар», «истиснолар», «чекловлар», «имтиёзлар», «кафолатлар» ташкил қилиши аниқлаштирилади. Шунинг

билан бирга, мазкур хусусиятларни меҳнат ҳуқуқининг турли институтларида (меҳнат шартномаси, иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат интизоми, моддий жавобгарлик, меҳнат муҳофазаси) қўлланилиши ўрганилади. Хусусан, ишга қабул қилишда танлов, сайлов, тайинлаш каби қўшимча босқичлар, минимал иш жойларини белгилаб олиш, муайян фаолият турлари билан шуғулланиш учун чеклов ёки тақиқлар, тиббий кўрик, меҳнат нормасини камайтириш, иш вақтини қисқартириш, ишни ташкил этишнинг сменали ва вахта усули, ишдан бўшатишнинг қўшимча асослари ёки тартиб-таомиллари, узайтирилган ёки қўшимча таътиллار, махсус интизомий жавобгарлик, тўлиқ моддий жавобгарлик шулар жумласидандир.

Ушбу бобда меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш асослари (мезонлари, омиллари) таҳлил этилади. Меҳнатни тартибга солиш хусусиятларини белгилаш асослари – бу айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишдаги фарқларни ўрнатиш зарурлигини вужудга келтирадиган муҳим ва барқарор бўлган ҳолатдир, деган таъриф берилади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилашга хизмат қиладиган ҳамда объектив шароитлар билан келиб чиққан ва узоқ муддат давомида амал қилувчи ҳақиқий фарқлар дифференциация асосларини вужудга келтиради.

Меҳнатни тартибга солишнинг хусусиятларини белгиловчи турли асослар кўриб чиқилади. Хусусан, организмнинг руҳий-физиологик хусусиятлари, оилавий мажбуриятларнинг мавжудлиги, ходим билан корхона ўртасидаги меҳнат алоқасининг хусусияти, ходим меҳнатининг шарт-шароитлари ва хусусиятлари, табиий иқлим шароитлари, ходим меҳнат қилаётган жойнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби, меҳнатнинг соҳавий хусусиятларини меҳнатни тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш асослари сифатида меҳнат қонунчилигида мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Дифференциациянинг таснифланиши кўриб чиқилади. Меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини объектив ва субъектив асосларга бўлиниши анъанавий ҳисобланиши эътироф этилади.

Дифференциациянинг объектив омиллари у ёки бу меҳнат фаолияти турини ким бажаришидан қатъи назар, меҳнат амалга оширилаётган жой ва шароитларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Дифференциациянинг объектив асослари меҳнат ҳуқуқининг ишлаб чиқариш функцияси билан боғлиқлиги аниқланади.

Субъектга оид дифференциация ходимнинг шахси, жинси, руҳий-физиологик хусусиятлари, ёши, қаровга муҳтож болалари ёки бошқа шахсларнинг мавжудлиги, шунингдек бошқа омилларга боғлиқ ҳолда вужудга келади. Ходимнинг субъектив белгилари эса меҳнат ҳуқуқининг ижтимоий (ҳимоя) функцияси билан боғлиқлиги эътироф этилади.

Шунингдек, меҳнатнинг соҳавий табиати меҳнат ҳуқуқида дифференциациянинг мустақил тури сифатида юридик адабиётларда етарлича фаол тан олинаётганлиги кўрсатиб ўтилади. Шу сабабли соҳавий дифференциация мустақил тур сифатида кўриб чиқилади. Албатта, кўпчилик

махсус нормалар иқтисодий фаолиятнинг муайян тури ёки соҳанинг барча ходимларига нисбатан тааллуқли бўлавермайди, балки кўпроқ асосий, етакчи касбларга татбиқ этилади. Эътиборга олиш лозимки, алоҳида соҳадаги ходимлар меҳнат муносабатларини тартибга солиш хусусиятларини белгилашда меҳнат шартларининг етакчи ўрни мавжуд эканлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Масалан, таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, алоқа ва бошқа соҳа ходимлари учун меҳнатни тартибга солиш хусусиятларини ўрнатиш мазкур соҳалардаги махсус меҳнат шароитларидан келиб чиқади.

Мазкур бобда айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларининг халқаро стандартларда акс эттирилиш ҳолати кўриб чиқилади. Ўзбекистон ижтимоий-меҳнат соҳасида мамлакатдаги мавжуд ҳолатни халқаро стандартлар асосида кескин яхшилаш тарафдори эканини сўнгги вақтларда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини ратификация қилиш жадаллашганида кўриш мумкин. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон ХМТнинг 190 та конвенциясидан 17 тасини ратификация қилган. ХМТнинг бир қатор конвенциялари айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини ҳам ўзида ифодалайди. Шу нуқтаи назардан муаллиф Ўзбекистон томонидан айрим тоифадаги ходимлар меҳнатига тааллуқли бўлган ХМТнинг 97-сон (Меҳнаткаш-мигрантлар тўғрисида), 156-сон (Оилавий мажбуриятлари бўлган меҳнаткашлар тўғрисида), 177-сон (Касаначилик тўғрисида), 183-сон (Оналиқни муҳофаза қилиш тўғрисида) конвенцияларини 2018-2020 йилларда ратификация қилишни қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, 1978 йилги «Давлат хизматида меҳнат муносабатлари тўғрисида»ги 151-сон, 1992 йилги «Тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолатида меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 173-сон, 2011 йилги «Уй хизматчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида»ги 189-сон конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг афзалликлари кўрсатиб берилади. Муаллиф халқаро ҳуқуқий ижодкорлик соҳасида ХМТнинг «Масофавий ишлар ва ходимлар тўғрисида»ги, «Жисмоний шахсларда ишловчи ходимлар тўғрисида»ги конвенцияларни қабул қилиш юзасидан таклифлар билдиради.

Ушбу бобда яқин ва узоқ хорижий давлатлар қонунчилигидаги айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари кўриб чиқилади. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларини қонунларнинг махсус бўлим ёки бобларида мустаҳкамлаш тажрибаси МДХ давлатлари учун хослиги кузатилади. Шунингдек, ривожланган хорижий давлатларда меҳнатни тартибга солиш хусусиятлари, хусусан, дифференциация қоидалари турли норматив ҳужжатларда (Гражданлик улоғенияси, Мажбурият кодекси, Шартномалар тўғрисидаги қонун, Меҳнатда соғлиқ ва хавфсизлик тўғрисидаги қонун) белгиланганлиги аниқланади. Романо-герман ва умумий ҳуқуқ тизимида дифференциация масаласининг акс этиши ўрганилиб, уларда шаклланган муносабат таҳлил қилинади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Субъектга оид дифференциация бўйича меҳнатни тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари**» деб номланиб, унда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар, иш берувчи – жисмоний шахсларда ишловчи ходимлар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари ўрганилган.

Мазкур бобда ходимнинг гендер белгиси (ижтимоий жинс сифатида), шунингдек унда оилавий мажбуриятларнинг мавжудлиги (болаларни тарбияловчи, оиланинг касал аъзосини парвариш қилувчи ходимлар) билан боғлиқ ҳолда ушбу ходимлар тоифасининг меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари таҳлил этилади. Меҳнат муносабатларида гендер тенгликни таъминлаш бўйича «Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 январда 865-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)нинг бекор қилиниши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилади. Хусусан, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун меҳнат шароитлари ноқулай ишларда ишлашга тақиқ сақланиб қолиши лозимлиги қўллаб-қувватланади. Ҳомиладор аёлларни муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишдан ҳимоя қилиш мақсадида муддатни кечиктириш ҳақидаги қоидаларни татбиқ этиш таклиф этилади. Ҳомиладорлик, туғиш ва бола парваришlash, шунингдек фарзандликка олиш билан боғлиқ таътиллارга ҳақни давлат бюджетидан тўлашга ўтказиш бўйича «грузинча ислоҳот» аёлларни ишга қабул қилиш бўйича яширин камситишларга қарши чора бўлиши асослантирилади. Уч ёшгача фарзанди бор аёл исталган пайтда иш ўрнига ҳеч бир монеликсиз қайтиши мумкинлиги ҳақидаги нормани меҳнат қонунчилигига киритиш юзасидан таклиф билдирилади. Шунингдек, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг алоҳида бобида мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари уларнинг вояга етмаганлик билан боғлиқ жисмоний ҳолати, касбий малака ва кўникмаларининг зарур даражасига эга эмаслиги каби омиллар билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши таъкидланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда бошқа ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўлса-да, меҳнат ҳуқуқининг турли институтлари бўйича кўшимча имтиёزلардан фойдаланади. Ўн беш ёшга тўлмаган вояга етмаган шахслар билан меҳнат шартномалари спорт фаолияти, санъат ва маданият соҳаси фаолияти, шунингдек реклама ишларини бажариш учун тузилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидаларни киритиш таклиф этилади. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этиш ёки ишдан бўшатишга тақиқ қўйилиши лозимлиги асослантирилади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга кўшимча кафолат сифатида жамлаб ҳисобга

олинадиган иш вақти қўлланиладиган ишларга, вахта усулидаги ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарига юборишни қонун орқали тақиқлаш зарурлиги кўрсатиб берилади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни нафақат ўриндошлик асосидаги ишларга, шунингдек бир неча касбда ва лавозимда ишлашга, хизмат кўрсатиш доирасининг кенгайишига, ишда бўлмаган ходимнинг меҳнат вазифаларини бажаришга, навбатчилик билан боғлиқ ишларга жалб этишга тақиқларни ўрнатиш асослантириб берилади. Вояга етмаган ходимларга нисбатан кунлик иш вақти давомийлигини, ишлаб чиқариш нормаларини белгилаш бўйича таклифларни киритиш масаласи муҳокама қилинади.

Мазкур бобда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари билан боғлиқ қоидалар кўриб чиқилади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш, улар меҳнатининг шарт-шароитлари, қисқартирилган иш вақтининг қўлланилиши, узайтирилган меҳнат таътилларини бериш, шунингдек мазкур тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга, тунги ишларга, дам олиш кунлари ишлашга, хизмат сафарига юборишга чекловлар таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгиловчи алоҳида бобни киритиш таклиф этилади.

Муаллиф томонидан субъектга оид дифференциация иш берувчи жисмоний шахс бўлганда ҳам вужудга келиши мумкинлиги асослантирилади. Шунингдек, меҳнат ҳуқуқи назариясида ва меҳнат қонунчилигида иш берувчи – жисмоний шахслар билан уларда ишловчиларнинг меҳнат муносабатлари алоқаси яхши ишлаб чиқилмаганлиги эътироф этилади. Иш берувчи – жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий мақоми таҳлил этилади. Иш берувчи – жисмоний шахслар яқка тартибдаги тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахсларга ажратилади. Мазкур иш берувчиларда ишлаш «жисмоний шахс – жисмоний шахс» конструкцияси бўйича амалга оширилади. Иш берувчи – жисмоний шахсларда ишловчи ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари меҳнат шартномаси тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, ички меҳнат тартибига риоя қилиш, иш вақти ва дам олиш вақтларида намоён бўлиши кўрсатиб берилади.

Мазкур бобда меҳнат мигрантлари тушунчаси таҳлил этилади. Унга кўра, меҳнат мигранти – меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кўчиб келган ҳамда хорижий давлат ҳисобланувчи ҳудудда доимий ёки вақтинча яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари ишга қабул қилишда яшаш, ишлаш учун рухсатнома, тиббий суғуртанинг бўлиши, меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш, таътиллار ва пенсия таъминотида эрк мухториятининг берилишида намоён бўлади.

Диссертациянинг «Объектив дифференциация бўйича ходимлар

меҳнати ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида ўриндошлар, касаначилар, уй хизматчилари, масофавий ходимлар, вахта усулида ишловчи шахслар, ноқулай меҳнат шароитлари ва ноқулай табиий иқлим шароитларида ишловчи ходимлар, ташкилот раҳбари ва ташкилот ижро органи аъзолари, мавсумий ва вақтинчалик ходимлар меҳнати тартибга солишнинг хусусиятлари кўриб чиқилади.

Ушбу бобда ўриндошлар меҳнати ҳуқуқий тартибга солишда дифференциациянинг асоси ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат алоқасининг хусусияти эканлиги таъкидланади. Ўриндошлар меҳнатининг хусусиятларини асосий меҳнат шартномасидан ташқари ўриндошлик иши бўйича шартноманинг тузилиши (икки шартномалик), шунингдек асосий иш вақтидан ташқари ишлаш ташкил қилади. Ходимларга бир вақтнинг ўзида бир неча корхонада ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат берилиши масаласида қонунчиликда ягона кўрсатма мавжуд эмаслиги таъкидланади. Меҳнат шартномасида ишнинг ўриндошлик эканлиги ҳақидаги мажбурий шарт, ўриндошлар учун иш вақти нормаси асосий иш вақтининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги, асосий ишдан бўш кунлари тўлиқ иш кунини ишлаш, иш вақтини жамлаб ҳисобга олишга йўл қўйилиши каби хусусиятлар тадқиқ этилади. Шунингдек, ўриндошлик бўйича тузиладиган меҳнат шартномалари муддатига нисбатан ҳам аниқлаштирувчи қоидаларни меҳнат қонунчилигига киритиш таклиф этилади.

